

Энг кучли компьютер ҳам ожиз қоладиган тезлик



11:00 / 03.05.2023 5099

Олимлар асалари кўриш учун ультрабинафшадан фойдаланишини аниқладилар. Маълумки, ультрабинафша тўлқинларининг қисқалиги билан бошқа тўлқинлардан фарқ қилади. Шу боис ҳам асалари нарсаларни инсондан кўра анча тез шаклда кўради. Чунки у гуллар орасидан нектар йиғиш мақсадида учаётганда гулларни тезкорлик билан аниқлаши керак. Асалари видео кўрадиган бўлса, фақатгина қимирламай турган расмларни кўради. Сабаби унинг кўриш тезлиги инсонникидан анча тез. Бизнинг кўзимиз кетма-кет ўтаётган тасвирларнинг орасини ажрата олмай ҳаракатланаётгандек кўради. Асалари эса мазкур тасвирларни тинч турган расм ҳолида кўради.

Олимларнинг айтишларича, асалари бир сонияда триллионта математик амалиётни бажарар экан. Бу ҳолат эса дунёдаги ҳар қандай кучли компьютердан ҳам тезкор саналади. Асаларининг кўзлари ёруғликни қабул қилувчи бир неча минг линзалардан иборат бўлиб, бу унинг инсондан афзалроқ кўришига сабаб бўлади.

Бугун олимлар асаларининг кўзларига ўхшаш линзали камера яшашга уриндилар. Лекин Буюк Мусаввир томонидан яратилган кўзлар олдида ожизларча тўхтаб қолдилар.

Асалари кўзлари кичик линзалардан иборат бўлиб, мазкур линзалар олти бурчакли шаклдадир. Ушбу кўзлар асалари ўрмонлардан ўтаётганда кўришга, хусусан арилар жамоаси ичида учиш пайтида тўсиқларга урилиб кетмаслигига сабаб бўлади.

Моддапараст олимлар ушбу арилар мияси миллиардлаб хужайраларни ўз ичига олишини, миясининг ҳажми игнанинг боши катталигидан ошмаслигини билсаларда, асалари кўриш амалиётини қандай ривожлантира оларкин деб ҳайрон бўладилар.

Image not found or type unknown



Бу расмдаги асаларининг боши бўлиб, ундаги миянинг ҳажми игнанинг боши катталигидан ошмайди. Шунга қарамасдан мия миллиардлаб ҳужайраларни ўз ичига олган, барча ҳужайра дунёдаги энг улкан компьютер ожиз қоладиган даражада катта тезлик билан ишлайди.

Сунъий кўз ясаб, ўша орқали асалари кўзига тақлид қилишга уринганлардан бири профессор Ли «Табиат қиммат техникаларга эҳтиёж сезмасдан комил, тартибли биноларни устма-уст қилиб қандай қура олаётганини тушунишни қанчалар истардим» деган.

Унинг саволига жавобни ушбу оятдан топамиз:

«У осмонлару ерни беназир қилиб яратувчидир. Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани Ўзи яратди ва У ҳамма нарсани ўта билувчидир. Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг. У ҳар бир нарса узра вакилдир! Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У ҳар бир нарсани дақиқ ва нозик жойларигача билувчидир, ўта хабардордир» *(Анъом сураси, 101-103-оятлар)*

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади